

Аллоҳнинг Расули!» дейишди. У зот: «**Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, мени ҳам чиқишга сизларни мажбур қилган нарса мажбур қилди. Туринглар!**» дедилар. Улар у зот билан бирга туришди. У зот ансорлардан бир кишиникига борган эдилар, у уйида эмас экан. Унинг аёли у зотни кўриб, «Марҳабо! Хуш келибсиз!» деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: «**Фалончи қани?**» дедилар. У: «Бизга тотли сув олиб келгани кетди», деди. Шу пайт ансорий келиб қолди-да, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ва у зотнинг икки саҳобасини кўриб, «Аллоҳга ҳамдлар бўлсин! Бугун мендан кўра баобрў меҳмони бор одам йўқ!» деди. У тез бориб, ғўра, қуриган ва янги хурмоли шода келтирди-да: «Мана шундан енглар», деди. У (қўй сўйиш учун қўлига) пичоқни олган эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: «**Совлиқни сўйиб қўйма**», дедилар. У уларга (қўй) сўйди. Қўйдан ҳам, ўша шодадан ҳам ейишди, ичишди. Улар тўйиб, чанқоқлари қонгач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакр ва Умарга: «**Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, қиёмат куни бу неъмат ҳақида албатта сўраласиз. Сизларни уйлариңгиздан очлик чиқарган эди, сўнг мана шу неъматга эришиб қайтдиңгиз**», дедилар.

Имом Муслим ривояти.

Бу ерда неъматлардан сўроқ қилиниши танбеҳ ва азоблаш учун бўлган сўроқ эмас, балки, неъматларни сонини билиш бўлган сўроқдир. Валлоҳу аълам!

Меҳмон қилган ансорийнинг исми Абул Ҳайсам ибн Таййиҳон розияллоҳу анҳудир. Имом Термизий ва бошқаларнинг ривоятидаги келганига биноат келтирилди.

Манба: hadis.islom.uz

